



Ижодий меҳнатимиз билан коммунизм қурилишини тезлаштирамиз!

СОНИ БОР, СИФАТИЧИ?

БИРИНЧИ ҚАНОРЛАР

Тонг ёришиб, тоғ ўрқачи гира-шира қўрига бошлади. Соҳиба уйғониб соғитга қаради. Дугоналари билан келишиб қўйган вақт бўлибди. Ўрнидан турди. Ишқом остида шилдираб оқатган тилик сува юз-қўлини ювди. Яп-янгил қанор ва этакни олди-да пахтазор томон шопилди.

Кен пахтазор оралаб белгиланган пайкалга томон борар экан, ишил гузалар орасидан қуриётган олтин чанқоқлар Соҳибнинг дилини қувончга тўлдирди.

Пахтазор қўйинда меҳнат авж олди. Далада фақат Соҳибгина эмас, балки, бу йил қўшмакиллорамчилар сафига қўшилган Рикси Сандаримова, Замира Абдуясопова каби ўнлаб теримчи қизлар эрта тонгдан даланинг оромбахш гўштини сўриб меҳнат қилмоқдалар. Улар ўзларининг ҳаёло меҳнатлари тўғрисида теримнинг биринчи кунидея 90—110 килограмдан «оқ олтин» тердилар. Хирмонга ҳосилининг биринчи қанорларини келтириди.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозининг қайсибир бригадаси даласида бўлган, мана шундай қизнинг меҳнатини устидан чиқасиз. Колхознинг азамат пахтакорлари бу йил 1675 гектар ерга чигит экиб мўл ҳосил етиштирилди. Улар пландаги 29 центнердан ўртача 30 центнердан ҳосил қўтариш учун астойдил бел боғлаганлар.

С. ШОКАРИМОВ.

Шу кунларда областимизнинг қатор хўжаликлариди пахта йигим-терими ўшқоқлик билан бошлаб юборилди. Машина терими бошланганига ҳам саноқли кунлар қолди. Ана шундай кунларда тўпланган Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик механизаторларининг III съезди механизаторларимиз зиммасига қаттагина вазифаларни юклди, уларни мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилишга даъват этди.

Яқинда мусобақадон Самарқанд области механизаторларининг вакиллари областимизнинг колхоз ва совхозлари, «Узсельхозтехника»нинг область ва район бўлимларида бўлиб, машина терими мавсумига қандай тайёргарлик қўриётганини текшириб чиқдилар. Улар бу ишда илгорлигини қўлдан бермай келатган механизаторларни мақташ билан бир қаторда, камчиликларга йўл қўётган раҳбарларни, механизаторларни танқид қилдилар ва қимматли маслаҳатлар бердилар.

Самарқандлик мусобақадонларимиз областимиз кўчмаслик хўжаликлариди терим техникасини ремонт қилишда-сон орасидан қувиб, сифатининг юқори бўлишига эътибор берилмаётганидан қаттиқ ранжидилар. Оржоникиде районда бу йил машина билан 3 минг тонна пахта терилиши керак. Бунинг учун 26 та пахта терим, 45 та кўсак чувиш машиналари тайёрланиши керак эди. Ҳозиргача районда 18 та пахта терим, 10 та кўсак чувиш машиналари ремонтдан чиқарилиб, ҳоло.

Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозини ўз юқори кўрсаткичлари билан областимизга эмас, балки Иттифоқимизга ҳам матлаум. Ана шу хўжаликда ҳам терим техникасини мавсумга тайёрлаш ишлари сўз бораётди. Мусобақадонлар бу колхознинг аjoyиб устахоналари бўлишига қарамасдан, ремонт қилинган-машиналарда кў-

гина камчиликлар борлигини таъкидлаб ўтдилар. Бундан ташқари колхознинг устахоналарида трактор ва машиналарнинг турли зарар қисмлари тартибсиз ҳолда сочилиб ётибди. Райондаги «Правда», «III Интернационал» ва Свердлов номи колхозларида, ҳам ана шу каби холини кўрамиз. «Узсельхозтехника»нинг бу райондаги бўлими устахоналарида машиналар ремонтининг сифати жуда паст.

Ўрта Чирчиқ районининг механизаторлари бу йилги мавсумга 166 та пахта терим, 171 та кўсак чувиш ва 68 та кўрак терим машиналарини тайёрлашлари керак. Бу соҳада «Северный маяк» колхозининг механизаторлари талайгина ютуқларни қўлга киритдилар. 27 та пахта терим ва 20 та кўсак чувиш машиналари мавсумга тўла шайлаб қўйилган. Яқин кунларда ҳозир ремонтни давом этаятган кўрак терим машиналари ва пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун керак бўлган прицеплар ҳам тахт бўлади.

Лекин бу колхозга қўшни бўлган Киров номи совхозда ўзгача ҳолат вужудга келган. Совхознинг раҳбарлари (директори Бойматов, бош инженер Дворкин ўртоқлар) 47 та пахта терим машинасининг 27 таси, 41 та кўсак чувиш машинасининг эса 14 таси ремонтдан чиқарибди, дейишади. Текшириш шўни кўрсатдики, «ремонт қилинган» пахта терим ва кўсак чувиш машиналарининг жуда кўпчилиги қисми қатор техник нуқсонларга эга. Бу машиналарни мавсумга тайёр қилинган техника қаторига мутлақо қўшиб бўлмайди. Мана, фикримизнинг далили: 20 номерли пахта терим машинасида 47 та, 4 та СХМ-48М машинасида 43 та техника нуқсонлар топилади. «Ремонт қилинган» бошқа машиналарда ҳам бундай камчиликлар қўйлаб топилади. Бундай камчилик-

лар совхозда шўнинг учун рўй бераптики, бу ерда ремонтнинг сифатини қаттиқ назорат қилиб бориш мутлақо йўлга қўйилмаган, машиналар ремонтдан чиққач, уларни обдон текшириб чиқиш ташкил этилмаган.

Мусобақадонлар «Пискент» тажриба-намуна хўжалигини ҳам бориб кўридилар. Бу совхозда ремонт қилиниб, алақачон бўлимларга жўнатилаган СХМ-48М машиналарининг ҳар бирини 30 дан ортиқ техник нуқсон топилади. Бу машиналардаги кичик бункерларнинг қопқоғи бекилмайди, шпинделлар втулкаларга маҳкамланмаган. Машиналар обватка қилинмаган.

Чаноз районидagi «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» тажриба-намуна хўжалиги ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Шу райондаги «XXI партсъезд» колхозини эса ҳалигача иккита пахта терим машинасини ремонтга қўймаган.

Бундай камчиликлар пахта терим техникасининг кўпчилиги қисми ремонт қилинган, давлат комиссия томонидан қабул қилиб олинмаганига тўғрисида сўз бўлмоқда.

Самарқандлик механизаторларнинг вакиллари йўл қўйилган бундай камчиликларни тутатиш чоралари ҳақида қатор маслаҳатлар бердилар. Пахта терим техникасининг мавсумга тайёрланишини қаттиқ назорат қилиб бориш керак. Бу ишга давлат техника назорати инспекциясининг инженерлари, «Узсельхозтехника» устахоналарининг яхши механизаторлари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ҳамда жамоатчиликни жалб қилиш зарур.

Областимиз пахтакорлари бу йил 150 минг тонна «оқ олтин»ни машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар. Шундай экан, ҳозирги кунда ҳар бир механизаторнинг, ҳар бир раҳбарнинг фикри-зиқри терим техникасини мавсумга ўз вақтида ва сифатли қилиб шайлаб қўйишга қаратилиши лозим.

А. С. КРИВОШЕЕВ,
Т. Е. ПЛАМ.

ОЛТИ АЗАМАТ

Бригада бошлиғи Қўчқор Ҳасанов пахтазорни айланб юрганида ўртадики, У, бригада аъзоларининг ишидан хурсанд эди. Ахир нега ҳам қувонмасин. Олти азамат ҳамкорлиқда меҳнат қилишиб, фўза парварининг гўшт сифатли ўтказишди. Натигада барча майдонда қўйилмагидек ҳосил етиштирилди. Ҳар түп гўзада ўртача 10—12 талдан тўқ кўсак бор. Айрим қаралардаги кўсаклар очилаётган. Эндиги ва-зифа — ҳосилни пешма-пеш териб олиб, давлат оморларига топширишдан иборат.

Гулистон районидagi «Ленинград» колхозининг ўртоқ Қўчқор Ҳасанов бошлиқ бригадаси аъзолари 60 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топириш мақсадида фидокорона меҳнат қилишди. Улар шу кунларда йигим-теримга ўшқоқлик билан киришни учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Комсомол районидagi «Красная заря» колхозини пахтакорлари ҳам йиги ҳосилини териб олишга ҳамма нарсани шай қилиб қўйдилар. Колхозда 25 автомашини, 20 от-арава, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун 8 та прицеп, 2.800 та этак ва 800 қанор тайёрланди.

Машина терими учун ажратилган 800 гектар майдонда қўлаб терим машиналари ишлайди.

Б. СОМНАЗАРОВ,
З. ХУДОЙҚУЛОВ.

ТАЖРИБАКОРЛАРИМИЗ АЙТАНЛАРИ

ЗАРУР ЖОЙЛАРДА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ ФЙДАЛИ

Ўтган йилдан бошлаб бизнинг колхозда 47—27С нав чигит экила бошладик.— дейди Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Тожибоев.— Бу йил ҳам ҳамма ерга шу чигитдан экидик. Ғўзаларимизнинг ривож, ҳосил тўплаши ёмон бўлмади.

Лекин гап фақат кўчатотганига эмас, шу билан бирга кўчатлардаги ҳосилни етилтириб пишириб ҳам олиш керак. Бу янги нав пахта суякхўрроқ. Ўтган йили биз ғўзани 4 марта суғорган эдик. Шўнинг учун пахтанинг ғўзи камроқ бўди, чигитлар яхши тўлашмади. Гарчанд планни бажарсан бўлсак ҳам, ўзимиз қўзда тутган ҳосилни ололмадик. Бу йил мана шу камчилигини бартараф қилиш учун қурашиб, барча ердаги ғўзага 5 марта сув бердик. Колхозимизда пахта терими бошлангиди кетса ҳам ҳозир айрим қаралардаги ўсишдан қолган ғўзаларга сув қўйишни давом эттираётимиз. Бундан мақсад яна ҳосилга ҳосил қўйиш, етилмаган майда кўсакларни тезроқ етилтириб олишдир. Шўнинг учун айни пайтда зарур жойларда ғўзани суғориш фойдали. Биз шўнга амал қиламиз.



Суратларда: Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинизм» колхозининг аъзоси Омонгул Сулаймонова (юқориди) ва шу райондаги Сталин номи колхозининг теримчиси Тошгул Қўлбоева ўртоқлар. Уларнинг ҳар бири йигим-терим бошланган дастлабки кунларданок юқори унум билан ишламоқдалар.
М. ШЕВЕЛЕВ фотолари.

Қўриқ ерларнинг пахтаси

Гулистон районидagi «Ленинград» ва «Коммунизм» колхозлари Мирзачўлдаги қўриқ ерларда етиштирилган «оқ олтин»нинг дастлабки 55 тоннисини пахта заводига етказиб бердилар. Бу ҳосил районда илгор ҳисобланган Ҳамзали Аноркулов, Бўрон Шаймардонов, Турдиқул Раҳмонов, Тамал Қодиров ва бошқаларнинг бригадалари далаларидан териб олинди.

Қизил қарвон келиши муносабати билан ўтказилган митингда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Акрамов сўза чиқди. Гулистон райони пахтакорлари ва механизаторлари, деди у, бу йил об-ҳавонинг нуқулай келганига қарамай, қўриқ ерларда мўл ҳосил етиштирдилар. Улар партиянинг XXII съезди очилишига айлақ планни муддибаддон илгари бажаришга, Ватанга 28 минг тонна биринчи сортли пахта сотишга аҳд қилдилар. (ЎЗТАГ).

ДАСТАЛБКИ КИЛОГРАММАЛАР

Сирдарё районидagi Карл Маркс номи колхозининг Ж. Бадалов, М. Ҳойгонов, С. Тошқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида йигим-терим ишлари бошлаб юборилди. Теримчилар теримнинг биринчи кўни пахта хирмонларига 1300 килограмм «оқ олтин» топширидилар.

Райондаги Максим Горький номи колхозининг далаларида ҳам терим қилиб кетди. Теримчилар дастлабки кунларданок юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Кўшмакиллорамчилар ҳаракати қизиги тус олди.

Колхознинг ўртоқ Х. Шеров бошлиқ бригадаси теримчиларидан О. Набиева, Х. Норова, Х. Шокбердиева, ўртоқ К. Муҳамедов бошлиқ бригада аъзоларидан О. Соҳибоева, О. Ҳамроева, ўртоқ Э. Бобоев бошлиқ бригада аъзолари Ж. Арзиева, Н. Қосимовалар хирмонга 100—130 килограммдан пахта топширидилар.

Х. ТУЕВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

КАНОП ЎРИШ ВА УНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

қат биринчи сорт билан топшириш учун имконияти яратди. Каноп эквучи илгор колхозларнинг тажрибаси шўни кўрсатдики, техникадан ташкилни равишда ва юқори унум билан фойдаланиш — ўримни тезлаштириш ва каноп поляларини қайта ишлаш муддатларини қисқартирининг ўрт асосий ва ҳал қилувчи шартидир.

Қўй Чирчиқ районидagi Сталин номи колхоз аъзолари аjoyиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар. Бу колхозда 25 августга олинган мажбурий ятга нисбатан 55 процент миқдорда каноп полеси қайта ишланди. Улар олган социалистик мажбуриятларини 15 сентябргача бажариш ва мамлакатда 2500 тонна биринчи сорт луб маҳсулотни топширишга қарор қилдилар.

Лекин шўни ачинарлики, баъзи бир хўжаликлар ана шу илгорларнинг тажрибасини ўрганиб ишни шў асосда ташкил етмаётдилар. Қўй Чирчиқ районидagi «Коммунизм» совхозиди мавжуд 52 та НП-9 машинасида итти 28 таси ишламоқда. Бироқ уларнинг иш унуми ҳам талабга жавоб бермайди. Совхоз раҳбарлари ва мутахассислари барча машиналарнинг тўла қувват билан ишлашга эришни учун зарур чораларни қўришлари лозим.

Қўй Чирчиқ районидagi «Гулистон» колхозиди ҳам ўрим сурати паст.

Каноп ўрими суратини ку-чайтириш билан бирга ўсимлик ривожланишдан орқда қолаётган ва уруғлик учун ажратилган май-донларда парварши ишларини ҳам унутмаслик лозим. Бу йил об-ҳаво хўжаликлари кам деганда 1600 тонна уруғлик каноп етказиб бериш мажбуриятини олган-лар. Шўнинг учун уруғлик каноп парварши сифатли йўлга қўйилсин.

Областимиз лубкорлари КПСС XXII съездининг социалистик мажбуриятини муддатдан илгари бажариш билан кўтиб олган учун барча имкониятга эгадирлар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 1 СЕНТАБРЬ, 1961 ЙИЛ.



Ҳамро Хожикўлова Пискент районидagi Тельмен номи колхозининг илгор теримчиларидан. У мавсумда 15 тонна пахта терим мажбуриятини олиб, хирмонга кўнига 100 — 120 килограммдан пахта топширмоқда. Суратда: Ҳамро Хожикўлова терган пахтасини топшираётди. Ўнгда табелчи Ортиқбой Мавлонов. Қ. Рознқов фотоси. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

